МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
«MAN GROUP AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ
Манзили: Фарғона шаҳар, Қувасой кучаси,111- уй, СТИР: 20716612, ХХТУТ:84400
Х/р: 2020 8000 9050 1149 6001, АТБ «Ҳамкор банк» Истиқбол филиали, МФО: 00965

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон туманидаги "Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамияти раисига
(СТИР: 200489572)

"Сурхон Пармалаш Ишлари" АЖ
Манзили: Қумқўрғон шаҳри, Навоий кўчаси, 8-уй

Мен, Фарғона шаҳри, Қувасой кўчаси, 111-уйда жойлашган, электрон почта манзили ilhomjons@mail.ru, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 28.08.2015 йилда берилган АФ № 00738-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Адлия Вазирлиги томонидан 18.12.2012 йилда 399-сон билан рўйхатга олинган, СТИР: 207166123, банк ҳисоб-рақами 20208000905011496001, АТБ "Ҳамкор банк" Истиқбол филиалида очилган, МФО:00965, МЧЖ "MAN-GROUP-AUDIT" аудиторлик ташкилоти директори-бош аудитор Салиев Илҳомжон Адҳамович(Аудитор малака сертификати №04420 19.09.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган ва 19.09.2017 йилда муддати 5 йилга узайтирилган), хўжалик юритувчи субъект **"Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамиятин**инг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботидан иборат 2017 йил 1 январдан 2017 йил 31 декабрга кадар ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини икки томонлама тузилган шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз, **"Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамиятин**инг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун хужжатларига мувофиқлиги ва хаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект **"Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамиятининг** 2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ "MAN-GROUP-AUDIT"
аудиторлик ташкилоти директори: **И.Салиев**

м.ў.

27 апрел 2018 йил